

ДЎППИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
илмий ходими **Ш.Ахмаджонова**

Аннотация.

Ушбу мақолада дўппининг келиб чиқиши, тарихий манбалари ва шаклланиш жараёни илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

Хусусан, араб тарихчиси ал-Яъқубий маълумотлари орқали тўртбурчак шаклдаги бош кийимнинг илк бор қайд этилиши, унинг Шош (Чоч) турклари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек, дўппининг Шарқ халқлари маданиятида тутган ўрни, ҳудудий хусусиятлари, нақш ва рамзларининг маъноси ҳамда уларнинг қадимги эътиқодлар — буддизм ва монийлик таълимотлари билан алоқадор жihatлари очиб берилган. Мақолада Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Шарқий Туркистонда сақланиб келаётган тўртбурчак дўппиларнинг турлари ва ўзига хос белгиларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Араб тарихчиси ал-Яъқубийнинг (IX аср) маълумотида кўра, халифа ал-Муътасим Мухаммад Ибн Харун ар-Рашид (218-227/833-842) диний эътиқод ва дунёвий қоидаларда ақаси халифа ал-Маъмунга тақлид қилган. Яъни, чавандозликни хуш кўрар ва араблардан ўзга ал-ажам либос ва тўртбурчакли бош кийим қия бошлаган. Кейинчалик бу бош кийим “аш-шаш ап-му‘та- симиййа” “ал-Муътасим бош кийими” номини олган.

Шош ва шошиййа сўзлари келиб чиқиши жихатидан араб ёки форсга тааллуқли бўлмаса-да, сўз таркибидаги арабча - иййа қўшимчасининг тузилишига кўра бу нисбий от бўлиб, уни “Шошга мансуб”, “Шошники” деб таржима қилиш мумкин. Араблар бу атамани Шош аҳолисига хос бўлган бош кийим, яъни дўппига нисбатан ишлатган бўлсалар керак. Дўппи эркакларнинг бош кийими сифатида Шарқ халқлари, хусусан араблар, форслар, турклар ва бошқаларда кенг тарқалган ва юмалоқ шаклда бўлган.

Евросиё минтақасида яшаган қадимги эроний тил халқлари эркакларининг бош кийимлари орасида ҳам тўртбурчак шаклдаги бош кийим учрамайди.

Хозирги вақтда тўртбурчакли дўппи фақатгина Шарқий Туркистон уйғурлари, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида анъанавий бош кийим сифатида сақланиб келмоқда. Демакки, ал-Яъкубий келтирган маълумотда аш-Шош, яъни Чоч туркларининг тўртбурчак шаклидаги бош кийими назарда тутилган ва туркларнинг дўпписи ҳақидаги энг қадимги тасниф деб ҳисоблаш мумкин.

Ал-Яъкубий келтирган маълумотда, халифа ал-Муътасим кийган бош кийимнинг нақшлари ҳақида фикр билдириб ўтилмаган. Балки унда ҳеч қандай нақш бўлмагандир. Хозирги кунда, жумладан, Тошкентда турли рангдаги нақшсиз дўппилар ҳам кенг оммалашган. Фарғона водийси ва Шарқий Туркистонда кийиладиган дўппиларда эса нақш шаклидаги рамзлар мавжуд: дўппининг 4 га бўлинган тепа қисми 4 та бир хил йирик япроқсимон нақшлар билан безатилган; дўппининг 4 та ён қисмида бир қаторга тизилган, ярим доира ёки ток шаклидаги 4 тадан (жами 16 та) нақш солинган. Мазкур ҳудудларда тарқалганлари ҳам тўртбурчак шаклда бўлиб, уларда турли ранглардаги нақшлар тикилган.

Дўппидаги нақшлар ёки рамзнинг маъноси хусусида мутахассислар ва мутахассис бўлмаганлар томонидан турлича фикрлар айтилган. Хусусан, бу нақшларни гоҳ қирғовулнинг каноти ёки лоланинг япроғи, гоҳ бодом ёки қалампирга ўхшатишган. Баъзиларнинг фикрига кўра, дўппининг қора матоси юлдузли осмонни ёки ўзида чексиз маълумотларни мужассам этган бутун коинотни ўз ичига сингдирувчи “қора туйнук”ни англатган. Дўппнинг тепа қисмидаги 4 та асосий нақш она қорнидаги 3 ойлик ҳомилани, ён қисмларидаги айланасига бир чизиқ бўлиб тизилган 16 та тоқлар эса янги туғилган боланинг бешигини англатган. Бизнинг фикримизга кўра, дўппнинг нақшлари барча маданиятларда, хусусан, буддизм ва монийлик таълимотида кенг тарқалган. Қуёш билан боғлиқ свастикасимон рамзларни билдиради. Бунга ўхшаш рамзлар Ўрта Осиёнинг меъморчилиги ёдгорликларида ҳам учрайди. Бу рамзлар ва тўртбурчак шаклидаги бош кийимнинг аниқ қаердан келиб чиқишини айтиш қийин. Хозирги кунда

Фарғона водийсида эркакларнинг тўртбурчак шаклидаги дўпписининг 2 тури мавжуд бўлиб, улар рамзларни ифода этиш усулига кўра, “чуст” ва “марғилон” дўппипари деб аталади. Шу билан бирга Шарқий Туркистонда тўртбурчак шаклидаги дўппиларнинг 30 га яқин тури мавжуд.



“Чуст дўпписи” номи билан машхур бўлган Фарғона дўпписи у ерда “қашқар-дўпписи” деб аталади. Бунга кўра, тўртбурчак шаклдаги бош кийим ва ундаги рамзларнинг келиб чиқиши Шарқий Туркистон билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай хулоса илк ўрта асрларда Шарқий Туркистон буддизм ва монийлик диний таълимотининг энг йирик марказларидан бири бўлганлиги билан ҳам мувофик келади. Шунингдек тўртбурчак дўппи бошга кийилганда, тепадан қаралса, тўртбурчак (дўппи) ичига жойлаштирилган доира (бош) шаклига эга бўлади, дўппидаги нақшлар билан бирга эса буддавийлик ва монёъликдаги мандаланинг бир кўринишини билдиради. Геометрик унсурлар умумийликда (кўп қиррали шакллар, доира, квадрат ва уларнинг бир бирига уйғунлашгани, мандала хоч, свастика ва хк.) космоснинг вертикал ва горизонтал кўринишдаги, фазовий ва вакт жихатдан

тузилишини, шунингдек, борлиқнинг борган сари “жипслашувчи” мохиятини билдирган: ер, мамлакат, шаҳар, маҳалла, сарой, ибодатхона, макбара.

Бу ерда бир савол туғилиши табиий нима учун араб халифаси туркларнинг бош кийими ёки аш-Шош ахлининг дўпписини кийган. Аббосийлар сулоласи хукмронлиги даврида (VIII-IX асрлар) ўз хизматига кўплаб туркларни жалб қилган биринчи Аббосий халифаси ал-Мансур кўшинида 40 минг мавло бор эди. Хорун ар-Рашид харбий кучларининг асосини турклар ташкил этганлар ва унинг кўшинида 3 мингга яқин турк ғуломларидан иборат кўшимча лашкар бўлган. Унинг тахт вориси ал-Маъмуннинг армиясида ярим турк бўлган укаси ал-Муътасимнинг ҳаракатлари туфайли 70 мингга яқин турк ғуломлари хизмат қилган. Тез орада турк харбий зодагонлари Бағдодда, шунингдек Араб халифалигининг марказий шаҳарлари ва вилоятларининг бошқарув тизимидаги энг юқори ва муҳим лавозимларни эгаллай бошлаганлар. Ундан ташқари, баъзи Аббосий халифаларининг хотинлари турк бўлган, демак, уларнинг тахт меросхўрлари қон жихатдан ярим турк бўлганлар. Мисол тариқасида Хорун ар-Рашиднинг хотини Морида самарқандлик турклардан бўлиб, халифа ал-Муътасимнинг онаси эди, ал-Муътасимнинг хотини Шужоъ эса Тохаристонлик турклардан бўлган. Халифа ал-Муктафининг онасини туркча исм билан Чечак (чичак - туркча “чечак”) деб чакиришган.

Аббосий халифаларининг ҳузурида надим бўлиб хизмат қилган ва уларнинг тарихнависи Абу Бакр ас-Сулийнинг ёзишича, халифаларнинг кўплари туркча либос кийганлар, туркча бемалол сўзлашганлар ва туркларнинг маданиятига ихлосманд бўлганлар. Ал-Муътасим халифа бўлгач турк аскарларини нафақат сотиб олар, балки турк аслзодалари ва саркардаларини харбий хизматга таклиф этар ҳамда уларни Бағдодга кўчиб келиб, унинг химояси остида яшашга чакирар ва рағбатлантирар эди. Халифа ал-Муътасимнинг кўшинида хизмат қилган турк ғуломларининг купчилиги Фарғона водийси, Уструшона ва Чочдан келганлар.

Турк бош кийимини Бу маълумотлар бизнингча, халифа ал-Муътасимнинг нима учун кийганлигини ва ундан барча сарой ахли ва Бағдоддаги аслзодалар ўрناق олганларини изохлайди.

Чуст дўппилари Ўзбекистоннинг чекка вилоят ва туманларида ҳам ифтихор билан кийилади. Чуст тумани аҳолиси қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Бизга тарихдан маълумки мамлакатимизда дўппидўзлик, пичоқчилик, косибчилик ва бошқа ҳунармандчилик турлари кенг ривожланган. Дўппидўзлик билан эса аёллар якка тартибда уй шароитида шуғулланган. Дастлаб бу бош кийим юмалоқ шаклда бўлиб, унинг чет ва ён томонига гул рамзи туширилган. Вақт ўтган сари аёллар бунга ўхшаш қалпоқларни тикиш ўргатиб боришган ва энди юмалоқ шаклда эмас, балки тўрт бурчак (тўрт қиррали) шаклда тикиш йўллариини ҳам ўйлаб топишган. Замонлар ўтиши билан бу бош кийимини кийиш одат тусига кириб борган. Шу тариқа Чуст дўпписи яратилган.

Чуст дўпписидаги оқ ва қора ранглар , тўрт нақшинкор гуллар, унинг тўрт қирраси- буларнинг ҳаммаси ўзининг рамзий маъносига эга. Жумладан оқ-қора ранг, кун ва тун- ёриғлик ва қоронғиликни гул тўрт фаслларни, дўппининг тўрт қирраси дунёнинг тўрт томони ва пастки қисмидаги айлана гуллари ўн икки ойни билдиради. Дўппининг қалампирамзи эса гўё кишиларнинг ёмон кўзлардан ва ҳар хил бало-қазолардан сақлайди. Деган маънони билдирган. Ҳозирги чуст дўпписи 23 нусхада, гетон нусха, лўм нусхаларини олиш мумкин.



Чуст дўпписининг тикилиш усули Ўзбекистоннинг, Андижон, Самарқанд, Марғилон ва бошқа вилоят дўппиларидан фарқ қилади. Чуст дўпписининг асосий фарқи, гилам нусхада тикилади ва устки қисмида ҳар хил нақшлар акс эттирилади. Бу дўппи нусхаларининг тикиш жараёни махсус машина ёрдамида фойдаланилади.

Фабрикада ишловчи аёллар томонидан тикилган чуст дўппилари бир неча бор жаҳон халқларини амалий санъати кўргазмаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаган, жумладан Польша Республикасининг Познан шаҳрида, Япония давлатининг пойтахти Токио шаҳарларида ўтказилган фахрли ўринларни олишган. Чуст шаҳрининг довуғи бутун дунёга ёйилишига мана шу ютуқлар ҳам сабаб бўлган, яна бир эътиборли томони Чуст дўпписи ўзбекларнинг ўзбеклигини билдириб турадиган муҳим миллат бош кийимларидан ҳисобланиб, уни кийиш вақт танламайди.

Юртимизнинг қайси фасли бўлмасин тўй, марака, ибодат, сайл, овқатланиш вақтида ҳам бу бош кийими ўзбекларнинг бошидан тушмайди. Ўзбеклар дўппиларни барча қардош халқларга савға сифатида ҳам тақдим этишади.

Шу бойис азиз юртимизга хориждан меҳмонлар ташриф буюришганда уларга дўппи совға сифатида тақдим этилади. Чет элга ёки саёхат сафарига чиққан юртдошларимиз бошини, ўзбеклигимиз белгиси бўлган дўппи безаб туради.

Бизнинг Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг кўргазма залларида экспозицияларига турли хил дўппиларнинг нусхалари намойиш этиш учун қўйилган. Буларга “мунчокли”, “чуст”, “марғилон”, “шаҳрисабз”, “шаҳрқ”, “башорат” нусхалари мисол бўла олади.

Дунёда ўзбек миллатини бошқа халқлардан ажралиб турадиган алоҳида бош кийимларидан бири бу- дўппидир.

Дўппи ва унинг ўзбек урф-одатлари ҳамда маросимлардан иборат, анъаналардаги ўрни тўғрисида олимлар, ёзувчилар ўз асарларида фахр-ифтихор

билан шеърлар битганлар ва ҳикояларда унинг қадриятлилиги ҳақида тараннум қилганлар.

Дўппи бош кийими. Бу бош кийими фақат бизни ўлкада эмас, балки Ўрта Осиё, Эрон ҳам айрим ўрта Шарқ мамлакатларида яшовчи кўплаб халқларда қадим-қадимдан тайёрланган. Дўппи кийиш ҳам қадимдан расм бўлган. Дўппи бахмал, сатин, сидирға, шойи каби матолардан тайёрланган, кўпинча ип, ипак, зар билан кашта усулида тикилган. Дўппи кезак ва теппадан иборат бўлиб, устки қисми доира ёки квадрат шаклида, нақшли нақшсиз бўлади. Қиз ва аёллар учун ироқи, чуст, гилам, чакма тўр, қизил гул, пилтадўзи ва зарзўзи дўппи тўлдирма каби хиллари бор.

Азалдан ўзбекларда энг кўп тарқалган уй касблардан бири дўппидўзликдир. Дўппичиликда уни бичиш, тикиш, хошиялашда ўзига хос шакл, кашта услуби, гул нақши билан ажралиб туради.

Дўппининг тўртга бўлинган теппа қисми 4 та бир хил йирик япроқсимон барглр билан безатилган. Дўппининг тўртга ён қисмида бир қаторга тикилган ярим доира ёки тоқ шаклидаги тўрттадан нақш солинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мозийдан садо журнали 2017-йил 3-сон 26-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси.

1997-йил 539 бет

3. Ўзбек миллий амалий санъат қисқача луғати китоби. 25.бет